


Элликқалъа туманида янги автомобиль йўли кўприклари қурилмоқда

Қорақалпоғистон Республикасида «Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш лойиҳаси» доирасидаги дастлабки ишлар 2019 - йилда Бустон канали қурилишидан бошланган эди. Ушбу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – аҳоли ва қишлоқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжини қаноатландиришга қаратилган.

Лойиҳа бўйича 20 та темир бетон йўл кўприкларини қуришрежалаштирилган. Шундан Элликқалъа тумани ҳудудидан 5 та янги автокўприклар қурилади. Ҳозирги вақтда “Тоза боғ” овул фуқаролар йиғини ҳудудида “Бустон – Сарабий” автойўлига Бустон канали билан кесишган жойида автомобиль йўли кўприги қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Автокўприкнинг умумий қиймати 4 млрд. 200 млн сум кўприк йўлининг, умумий узунлиги 70 метр.



Мазкур кўприк жорий йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Қурилиш ишлари "TO'PALANG HPD HOLDING" маъсулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширмоқда.

Элликқалъа тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.